

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 1 апрель, № 65 (7845) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ КЕНГАШНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 март куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган норасмий саммитида иштирок этди.**





Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислик қилган тадбирда Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши, Туркий кенгашнинг Фахрий раиси Нурсултон Назарбоев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ва Туркий кенгаш бош котиби Бағдад Амреев қатнашди.

Тадбирда ташкилот доирасида иқтисодиёт, савдо, транспорт соҳаларидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликни ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда барча туркий халқларнинг маънавий юксалишига катта ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий меросига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари диний-ахлоқий қарашлари билан минтақамизда улкан эътибор қозонган ҳазрат Яссавийга соҳибқирон Амир Темур ихлос қўйгани ҳамда унинг хотирасига атаб Туркистон шаҳрида муҳташам мақбара бунёд этганини қайд этди.

Бугунги кунда Аҳмад Яссавий мақбараси барча қардош халқларимиз учун табаррук қадамжо ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мустаҳкам тарихий ришталар, муштарак тил, маданият ва маънавий қадриятлар асосида шаклланган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ КЕНГАШНИНГ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛГАН НОРАСМИЙ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Авваламбор, халқаро Наврўз байрами давом этаётган ушбу файзли кунларда Сиз, азизларни кўриб турганимдан мамнунман.

Бугунги учрашувни ташкил этиш ташаббуси билан чиққан муҳтарам оқсоқолимиз, Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти — Элбоши, Туркий кенгашнинг Фахрий раиси Нурсултон Абишевич Назарбоевга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Анжуманимиз улуғ шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий яшаб ўтган қадимий ва навқирон Туркистон шаҳри билан боғлангани бежиз эмас.

Ушбу шаҳри азим "Турк дунёсининг руҳоният пойтахтларидан бири" сифатида эълон қилинишида чуқур рамзий маъно бор.

Маълумки, Мир Алишер Навоий ҳазрат Яссавийга "Туркистон мулкининг шайхулмашойихи" деб юксак баҳо берганлар.

Аҳмад Яссавийнинг ўлмас мероси буюк аждодларимиз — Жалолиддин Румий ва Юнус Эмро, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий, Махтумқули Фироғий ва Бобораҳим Машраб каби шоирлар қаторида туркий халқларнинг умумий маънавий бойлиги сифатида ардоқлаб келинади.

Аҳмад Яссавий ўз даврида бутун мусулмон оламида "Ислом динининг қуввати" деб шуҳрат қозонган Бухорои шарифда Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Ғиждувоний каби машҳур уламолардан таҳсил олгани ота-боболаримизнинг доимо сафдош ва ҳамфикр бўлиб келганини кўрсатади.

Ўзининг диний-ахлоқий қарашлари билан минтақамизда улкан обрў-эътибор қозонган ҳазрат Яссавийга буюк Амир Темур чин дилдан ихлос қўйгани, унинг хотирасига атаб муҳташам мақбара бунёд этганини барчамиз яхши биламиз.

Шунингдек, Соҳибқирон бобомиз ушбу мажмуанинг моддий таъминоти учун вақф ташкил қилгани ва бу жамғарма асрлар давомида фаолият кўрсатгани эл-юртларимизнинг тарихий бирлигидан далолат беради.

Бугунги кунда Аҳмад Яссавий зиёратгоҳини барча қардош халқларимиз табаррук қадамжо сифатида чексиз қадрлайди.

Кўп миллатли Туркистон шаҳри сўнгги йилларда тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани, улкан бунёдкорлик майдонига айланаётганига барчамиз ҳозир видеолавҳалар орқали гувоҳ бўлдик.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, Озарбайжон Президенти ҳурматли Илҳом Гейдарович Алиев ва озарбайжон халқини, Тоғли Қорабоғ ҳудудини қайтариб, тарихий адолатни тиклаш йўлидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклайман.

Ўзбекистон Тоғли Қорабоғ заминидаги кўҳна обидалар, маданият ва маърифат масканларини тиклаш ишларига ҳисса қўшишга тайёр эканини билдирамиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Муштарак тил ва ягона дин, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган Туркий кенгаш ташкилоти минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бормоқда.

Ташкилотимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўяр экан, биз ҳар қандай синов ва таҳдидларни биргаликда енгиб ўтишга тайёр бўлишимиз, мавжуд салоҳиятимиздан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Бу борада бизнинг олдимизда муҳим вазифалар турибди.

**Биринчидан**, иқтисодий алоқаларни кучайтириш бизнинг асосий мақсадимизга айланиши даркор.

Айни пайтда ишлаб чиқилаётган "Туркий дунё нигоҳи — 2040" концептуал ҳужжати асосида ҳозирги ва пандемиядан кейинги вазиятни инобатга олган ҳолда, аъзо давлатларга хос, яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини тайёрлашни таклиф қиламиз.

Бунда асосий урғуни кечаётган глобал инқироз нинг салбий оқибатларини бартараф этиш, савдо, инвестиция, саноат, транспорт алоқаларини тиклаш ва янги шароитларда ривожлантириш, электрон тижорат ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, бизнес ва ҳудудлараро ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга қаратиш лозим.

**Иккинчидан,** давлатларимиз ўртасида саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, Туркий кенгашнинг ўз Инвестициявий жамғармаси ҳамда Тараққиёт банкига эга бўлиш фурсати етди, деб ҳисоблаймиз. Бу борада амалий ишларни бошлаш тарафдоримиз.

**Учинчидан,** минтақамизнинг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш биз учун стратегик аҳамиятга эга.

Марказий Осиё ҳудуди орқали дунёнинг асосий бозорларига, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Осиёнинг бошқа мамлакатларига, Озарбайжон ва Туркиядан Европа давлатларига чиқиш муҳимдир.

Мазкур йўналишларда транспорт йўлакларини ривожлантириш ва йирик логистика инфратузилма лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш умумий манфаатларимизга тўлиқ жавоб беради.

**Тўртинчидан,** динимиз тарихида беқиёс из қолдирган улуғ боболаримиз мероси билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш эзгу интилишларимизга мосдир.

Бу борада мамлакатларимиз ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжолар бўйлаб "Табаррук зиёрат" лойиҳасини амалга оширишни таклиф этамиз.

Бунинг учун Кенгаш доирасида Зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Бешинчидан,** халқларимизнинг дунёвий фанлар ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини ва бой маданий меросини чуқур ўрганиш, турли тадқиқотлар олиб бориш ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб этиш катта аҳамиятга эга.

Биз "Туркий дунёнинг маданий пойтахти" мақомини олган Хива шаҳрида сентябрь ойида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" мавзуида халқаро форум ўтказиш ниятидамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча аъзо давлатларни ушбу анжуманда иштирок этишга таклиф қиламиз.

**Олтинчидан**, биз Бокуда ўтказилган саммитда адабиёт ва санъат соҳасида Халқаро мукофотни таъсис этиш ташаббусини илгари сурган эдик.

Ташкилотимизга аъзо давлатларнинг Сиз, ҳурматли раҳбарларига Туркий кенгашнинг илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантириш мақсадида халқаро мукофот таъсис этиш ҳақидаги таклифни маъқуллаганингиз учун ташаккур изҳор этаман.

Ушбу мукофотни Мир Алишер Навоий номи билан аташ ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаганингиз учун ўз номимдан, Ўзбекистон халқи номидан чуқур миннатдорлик билдираман. Бундай ҳурмат-эътибор ва ишонч биз учун катта шарафдир.

Биз буни барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган, улуғ зот — Алишер Навоийга юксак эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламиз. Бу нуфузли мукофотнинг таъсис этилиши туркий бирлик руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу ўринда Ташкилотимиз олдида турган муҳим ва устувор масалалар бугун қабул қилинадиган Туркистон декларациясида ўз ифодасини топганини ва уни қўллаб-қувватлашимизни маълум қиламан.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Сўзимнинг якунида Туркий кенгашнинг Фахрий раиси — оқсоқолимиз, Элбоши Нурсултон Абишевичга, Қозоғистон Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга бугунги мулоқотни юқори даражада ташкил этганлари учун яна бир бор самимий миннатдорчилик билдираман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ташкилотимиз нуфузи ва самарадорлигини ошириш йўлидаги шарафли ишларингизда улкан куч-ғайрат ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**«Халқ сўзи» учун махсус**

# ҚАРДОШ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг норасмий саммитидаги нутқи хорижий экспертлар ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилди.*

**Хесус Хил Фуэнсента,**
**Испания шарқшунослар ассоциацияси бош котиби, Мадрид автоном университети профессори:**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан якдил мақсадлар ва келишувларга эришиш бўйича чақируви жуда муҳим ва долзарбдир.

Пандемия шароитида туризм, шунингдек, савдо-иқтисодий алоқалар Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши эътибор жалб қилиши ва умумий саъй-ҳаракатларни йўналтириши керак бўлган асосий йўналишлардандир, деб ҳисоблайман. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти глобал эпидемиологик инқироз шароитида савдо-иқтисодий, сармоявий ва транспорт-коммуникацион ҳамкорликнинг устувор лойиҳаларини илгари суриш устувор вазифа эканини жуда аниқ ва ойдин таъкидлади.

➡ 2

# ВЕНГРИЯ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

*2021 йил 29 — 31 март кунлари Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг Ўзбекистонга амалий ташрифи якунлари Ўзбекистон — Венгрия серқирра ҳамкорлигини янада ривож топишида муҳим воқеа бўлди, деб ҳисобламоқда халқаро экспертлар ҳамжамияти вакиллари.*

**Вита Кобиела,**
**«Volt» Умумевропа сиёсий партиясининг Бельгия бўлинмаси коммуникациялар бўлими ҳамраиси:**

— Венгрия ҳукумат раҳбари ташрифи икки давлат ўртасида аввал эришилган келишувлар ижросини таъминлаш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун кучли туртки беради.

Ўзбекистон — Венгрия муносабатлари мутлақо янги сифат даражасига олиб чиқилмоқда. Шерикликни янада ривожлантиришга қаратилган ўнга яқин ҳукуматлараро ҳужжатнинг имзоланиши бунинг тасдиғидир.

Венгрия учун ушбу ташриф кўплаб йўналишларда ҳозирданоқ ўз самарасини берди: ҳукумат делегация таркибида келган йирик ва ўрта бизнес вакиллари учун янги истиқболлар, Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, кимё ва машинасозлик соҳаларида янги лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, Дебрецен университетининг ўқув дастурларини амалга ошириш тўғрисидаги битимлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ушбу ташриф Виктор Орбаннинг ўзи учун ҳам катта аҳамиятга эга, чунки Венгрия Бош вазири давлатлараро муносабатларда ўзининг индивидуал стратегиясига эга бўлган халқаро етакчи сифатида ўз обрўсини оширди.

Ўзбекистон учун Вишеград гуруҳининг етакчи мамлакати билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш миллий ривожланиш мақсадларини амалга оширишни тезлаштириш жараёнида манфаат келтиради. Икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма декларациянинг имзоланиши Ўзбекистон учун Европага янги йўл очмоқда.

Польша, Чехия, Словакия ва Словения ҳам Венгриядан ўрнак олади, деб ўйлайман. Бу улар учун анъанавий равишда "terra incognita" бўлиб қолган Марказий Осиёни кашф этишга имконият беради.

➡ 2

**Қарор ва ижро**

# МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ФАОЛЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

*Дунё тартиботлар орқали бошқарилади. Бу мувозанат нуқтасини белгилаш учун зарур. Акс ҳолда, тараққиёт издан чиқиши, башариятнинг ҳаёт тарзи ва маромига путур етиши ҳеч гап эмас.*

*Худди шундай, халқаро стандартлар ҳам турли соҳалар бўйича дунёвий муносабатларни тартибга солувчи мезон ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, ҳамма учун мақбул — "олтин ўрталиқ". Шу боис дунё учун очиқ бўлишни, хорижий мамлакатлар билан фаол муносабат ўрнатишни истаган давлатлар борки, бу жараёнда тегишли халқаро стандартларга амал қилади.*

*Молиявий ҳисоботнинг ҳам худди шундай жаҳоний мезонлари бор. У ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор-бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилишда қўлланилади. Бошқача айтганда, мазкур тушунча молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламентдир.*

*Хўш, ушбу халқаро стандарт Ўзбекистон учун нима беради?*

4-саҳифага қаранг ▶

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ КЕНГАШНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемия таъсирида давом этаётган глобал инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш йўлида кенгашнинг яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, савдо, инвестиция, саноат, транспорт алоқаларини тез фурсатда тиклаш ва янги шароитларда ривожлантириш, электрон тижорат ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ишбилармон доиралар ва ҳудудлараро ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди.

Туркий тилли мамлакатлар ўртасида саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш устувор вазифалардан бири эканлиги, Туркий кенгаш доирасида Инвестиция жамғармаси ва Тараққиёт банкини ташкил этиш ва ишга тушириш бўйича амалий ишларни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти минтақамизнинг улкан стратегик аҳамиятга эга транспорт ва транзит салоҳиятидан янада унумли фойдаланишга, Осиёдаги глобал бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Марказий Осиё ҳудудида транспорт йўлакларини, шунингдек, Озарбайжон ва Туркия орқали Европа бозорларига элтувчи йўналишларни ривожлантириш, логистика инфратузилмасини кенгайтириш бўйича йирик лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга чақирди.

Шавкат Мирзиёев Туркий кенгашга аъзо мамлакатлардаги муқаддас қадамжолар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга ошириш, шу мақсадда Зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш ташаббусини билдирди.

Буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг туркий дунё маънавий-маърифий ҳаётига қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадида Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари саммит иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Олий даражадаги учрашув якунида Туркистон декларацияси қабул қилиниб, унда норасмий саммитда эришилган асосий келишувлар акс этди.

Туркий кенгашнинг саккизинчи саммитини 2021 йилнинг кузида Туркия Республикасида ўтказиш режалаштирилмоқда.

**ЎзА.**

# ҚАРДОШ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

1 Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Кенгаш эътиборига кўп томонлама шерикликни фаол равишда кенгайтириш бўйича киритилган таклиф халқаро ҳамжамиятга қийин иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш йўллари ва ечимларини топишга қаратилган ўзига хос сигнал бўлди.



**Ким Ёнг Гу,**
**Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси раиси:**

— Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган норасмий саммити тарихан дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан чамбарчас боғлиқ бўлган мамлакатларнинг кўп қиррали ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон 2019 йилда ушбу кенгашнинг тўлақонли аъзосига айланди. Шуниси қувонарлики, ўтган қисқа вақт ичида мамлакат ташкилотнинг барча аъзоси билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни жадал ривожлантирмоқда.

Шу нуқтаи назардан, саммит давомида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг юксак аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фикримча, ушбу ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ташкилот олдида турган мақсадларга эришишга қўшимча туртки беради ҳамда ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантиради.

**Ким Санг Чхоль,**
**Хангук чет тиллари университети Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори (Жанубий Корея):**



— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар билан олиб борилаётган очиқ ва амалий ташқи сиёсат Кенгаш аъзолари орасида юксак эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Президенти халқаро саммит ва анжуманларда ҳамиша бугунги кун учун долзарб масалаларни ўртага ташлайди. Хусусан, навбатдаги саммитда илгари сурилган савдо, инвестиция, саноат, транспорт алоқаларини тиклаш ва янги шароитларда ривожлантириш, электрон тижорат ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, ишбилармон доиралар ва ҳудудлараро ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш масалалари барча давлатлар манфаатларига жавоб беради.

Бундан ташқари, норасмий саммитда Ўзбекистон томонидан Туркий кенгашга аъзо давлатларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи ҳам кўтарилди. Бу ташаббус, шубҳасиз, пандемия таъсирида давом этаётган глобал инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

**Марат Қозоқбаев,**
**сиёсатшунос (Қирғизистон):**



— Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида яна бир бор фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатди, саммит иштирокчиларини савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда кўп томонлама шерикликни кенгайтиришга чақирди.

Ўзбекистон раҳбари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг тараққиёт банкини тузишни таклиф қилди. Бундан ташқари, транспорт ва транзит салоҳиятини ривожлантиришнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ушбу соҳада йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши Марказий Осиё мамлакатлари ва бутун туркий дунё савдо географиясини кенгайтиришга имкон беради.

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган халқаро ташаббуслар тизимли ва долзарбдир. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон жадал суръатлар билан ривожланаётгани ва минтақанинг бошқа давлатларига ўрнак бўлаётгани сабабли ушбу таклифлар Марказий Осиё давлатлари даражасида қўшма ҳаракатларни ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

**«Дунё» АА.**

# ВЕНГРИЯ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

1 Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бозорларининг Марказий Европа мамлакатлари бозорлари билан янги логистик боғлашга кенг йўл очилади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг арзон ва юқори сифатли маҳсулотлари ушбу бозорларда бемалол рақобатбардош бўла олади.

**Лариса Семака,**
**«Украина Бизнес» нашриёт уйи бош муҳаррири, Украина журналистлар уюшмасининг аъзоси:**

— Ўзбекистон Марказий Осиёнинг муҳим мамлакатидир ва жаҳон иқтисодиётининг етакчи давлатлари унга катта қизиқиш билан муносабатда бўлади. Ташқи иқтисодий фаолият ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлганлиги сабабли Европа билан ҳамкорликни кенгайтириш ушбу жараённинг барча иштирокчиси учун катта аҳамиятга эга.

Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи фикримизни тасдиқлайди. Икки томонлама муносабатларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг қатор минтақаларини биргаликда ривожлантириш, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда Венгрия тажрибасидан фойдаланиш бўйича режалар ишлаб чиқилди. Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари томонидан Ўзбекистонни саноатлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, ижтимоий соҳани яхшилаш бўйича илгари сурилган таклифлар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Венгриянинг 40 дан ортиқ йирик компаниялари ва молиявий тузилмаси раҳбарлари иштирок этган Ўзбекистон — Венгрия Ишбилармонлар кенгашининг биринчи форуми икки томонлама ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришнинг муҳим механизми бўлди. Бу иқтисодиёт, энергетика, таълим ва кадрлар тайёрлаш, маданият, минтақалараро кооперация, бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳаларида шериклик алоқалари ўрнатилишини англатади.

Давлат арбоблари ва бизнес вакиллари расмий ташрифларининг синергияси икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлидаги ишончли бизнес муносабатларининг намунасидир.

**«Дунё» АА.**

# БИРГАЛИКДАГИ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЕВРОПА ДАРВОЗАСИ ЯНАДА КЕНГ ОЧИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

*Венгрия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. Биргаликдаги интилиш ва амалий ишлар натижасида бу шериклик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, сўнгги тўрт йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми салкам уч баробар ўсди. Мураккаб пандемия шароитига қарамай, ўтган йили ҳам бу ижобий динамика сақлаб қолинди.*

## Акс садо

Ишбилармонлар ва ҳудудлар ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, шу йил февраль ойида Будапештда иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форуми ўтказилган эди.

Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида бўлиб ўтган икки мамлакат Ишбилармонлар кенгашининг биринчи мажлисида икки томонлама ҳамкорлик бобида ҳали ишга солинмаган жуда катта имкониятлар борлиги таъкидланди. Асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Саноат кооперацияси — ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Венгриянинг илғор тажрибаси асосида Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё ва машинасозлик соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Ҳудудлар ўртасидаги алоқалар ҳам ривожланмоқда. Самарқанд ва Жиззах вилоятларида иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларни модернизация қилиш, жумладан, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида Венгрия тажрибасини татбиқ этиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ҳудудлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш, ҳар йили Минтақалар форумини ўтказиш таклифини билдирди. Венгрия томони қишлоқ хўжалиги, меваларни сақлаш ва қайта ишлаш, балиқчилик ҳамда уруғчилик соҳаларидаги илғор тажриба ҳамда технологияларни алмашишга тайёрлигини билдирди.

Очиқ ва амалий руҳда бўлиб ўтган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Венгрия муносабатларининг деярли барча йўналиши атрофлича муҳокама қилиниб, биринчи навбатда, иқтисодий ҳамкорлик масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Охирги тўрт йилда товар айирбошлаш деярли уч баробар ўсгани айтилиб, бу кўрсаткични келгусида янада ошириш лозимлиги қайд этилди. Бунда икки мамлакат бозорларига маҳсулотлар етказиб беришни кенгайтириш, саноат кооперациясини кучайтириш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, картошкачилик ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олингани айни муддаодир.

Шу йилнинг февраль ойида Будапештда ўтказилган Ўзбекистон — Венгрия бизнес форумида икки мамлакат ишбилармон доира вакиллари йиғилди. Форум якунида паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик ва озиқ-овқат саноати соҳалари бўйича Ўзбекистоннинг турли вилоятларида 12 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга оид икки томонлама келишувлар имзоланган эди. Қолаверса, 76 та янги истиқболли инвестиция лойиҳасини биргаликда ўрганишга келишиб олинган, уларнинг 26 таси бўйича Ўзбекистон ва Венгрия томонидан шериклар аниқланиб, ҳозирда музокаралар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ишбилармон доиралари маҳсулот етказиб беришни кенгайтириш, саноат кооперациясини кучайтириш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, картошкачилик ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш орқали Венгрия билан товар айланмаси ҳажмини янада оширишдан манфаатдор эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Музокаралар якунида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Виктор Орбан Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни ҳамда кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган 10 дан ортиқ ҳужжатларни имзолаши давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррар.

Ўз навбатида, икки мамлакатнинг барча ҳудудини фаол жалб қилган ҳолда, ҳар йили Минтақалар форумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингани эътиборга молик.

Ташриф доирасида Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Виктор Орбан Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган Ўзбекистон — Венгрия Картошкачилик илмий марказида ҳам бўлди. Ушбу илмий муассаса Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети билан ҳамкорликда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими негизида ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари бу тармоққа алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Картошка аҳолининг кундалик истеъмол маҳсулотларидан биридир. Унинг сифатли ва арзон бўлиши ҳар бир оила фаровонлигига таъсир қилади. Картошкага бўлган ички бозор талабини қондириш учун катта миқдорда уруғлик зарур. Ўзбекистонда йилига ўртача 80 — 90 минг гектар майдонда уруғлик экилиб, 2,9 миллион тонна картошка етиштирилади. Шунга қарамай, йилига истеъмол учун 200 — 300 минг тонна, уруғлик учун 15 — 17 минг тонна картошка четдан келтирилади.

Энди янги марказ Венгриядан келтирилган касалликка чидамли навларни синовдан ўтказиш ва уруғлик картошка ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Эътиборли жиҳати, инновацион усуллар самарасида 2021 — 2023 йилларда ҳосилдорликни 30 — 50 фоизгача ошириш мўлжалланган бўлиб, 2024 йилга бориб 21 минг тонна уруғлик картошка етиштириш, бу борадаги импорт ўрнини тўлиқ қоплаш мақсад қилинган.

Хулоса ўрнида айтганда, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича икки мамлакатнинг қараш ҳамда ёндашувлари ўхшаш. Венгрия томони Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш режасини қўллаб-қувватлайди. Шундан келиб чиқиб, фаол ривожланиб, сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилган Ўзбекистон ва Венгрия муносабатлари истиқболли стратегик ҳамда самарали ҳамкорликнинг бошида турибди, десак, муболаға эмас.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.**

# ОҲАНГАРОНДА АЁЛЛАР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи Оҳангарон туманида бўлиб, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммолари билан танишди. Бугунги кунда ҳудудда 30 ёшдан юқори бўлган 20 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар истиқомат қилмоқда. Уларнинг 872 нафари “аёллар дафтари”га киритилган.*

## Халқ билан мулоқот

Сенат Раиси дастлаб тумандаги “Ғаллақудуқ” МФЙда истиқомат қилаётган ҳунарманд Қизжибек Маматованинг уй шароитида ташкил этилган тикув цехи фаолияти билан танишди. Чевар аёллар якка тартибдаги тадбиркор Ҳусниддин Муҳамедов раҳбарлигида Тожикистондаги ҳамкорлари буюртмасини бажармоқда. Бундан бир неча кун олдин Россияга 70 минг донадан ортиқ бош кийимлар тикиб, экспорт қилишган эди.

— Касаначилик асосида ишлаётган аёлларимиз ўз меҳнати роҳатини кўрмоқда, — дейди Раъно Соатова. — Фаолиятимизни кенгайтириш ниятида ўқиб, изланяпмиз, янги моделлар топишга интиляпмиз.

Тумандаги мазкур маҳалла оғир ҳудудлардан бири саналади. Бу ерда ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган фарзандларни тарбиялаётган оилалар талайгина. Ёшларнинг ишсизлик даражаси ҳам юқори.

Туманнинг Ёнариқ ва Ялпоқтепа қишлоқларидаги учрашувларда ҳам хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар ечими хусусида сўз юритилди. Гулзира Туронбоева Оҳангарон шаҳар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. У ҳамкасблари номидан Сенат Раисига топширган шикоятда қайд этилишича, уларни қийнаётган муаммолар шаҳар ҳокимлиги даражасида ҳал қилиниши мумкин бўлса-да, шу кунгача пайсалга солинмоқда. Шаҳар ҳокими қабулига кириш эса бюрократик тўсиқлар сабабли ортга сурилмоқда. Шунингдек, Лола Меҳмонова, Нигора Аҳмедова, Умида Қўшоқова сингари ўнлаб аёллар кўтарган масалалар долзарб.

Тумандаги Ёнариқ ҳамда Ялпоқтепа маҳаллалари муаммолари изчил ўрганилди. Ота-оналарнинг айтишича, ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган қишлоқ мактаби ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Биринчи ўқув биноси таъмирталаб ҳолатга келган бўлса-да, бу борада тегишли чоралар кўрилмаган.

Синф хоналарининг эшик-ойналари эскирганлиги ва иситиш тизими ишламаслиги туфайли болалар совуқ кунларда азият чекишмоқда. Қишлоқда 380 нафар боғча ёшидаги болалар истиқомат қилаётган бўлса-да, улар МТМ хизмати билан тўлиқ қамраб олинмаган. Энди қурилаётган 120 ўринли боғча эса камлик қилади.

— Асосий тирикчилигимиз чорвадан, бироқ мол-ҳол қилайлик, десак, атрофимиз бепоён дала-дашт бўлишига қарамай яйлов йўқ. Тўғриси ҳамма жой эгалик бўлиб кетган, — дейди Мавжуда Соатова. — Яйловларни эгаллаган шоввозлар атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш баҳонасида иҳота дарахтзорлари ташкил қилиб, қир-адирларга ўтиш йўлларини тўсиб олган. Аҳолининг чорвачилик билан шуғулланишига жиддий тўсиқ бўлаётган муаммоларга тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари фоизининг юқорилиги, банкдан олинаётган қарз эвазига таъминотчи таклиф қилаётган шохли қорамоллар ва қўй-эчкиларнинг харид нархлари бозордагидан икки-уч баробар юқорилиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Истиқбол кўчасидаги 110 та хонадонда 656 нафар аҳоли яшайди. Уларни бугун ечимсиз бир муаммо қийнамоқда. Тошкент — Ангрен темир йўл йўналишидан ўтиш жойи йўқлиги сабабли ёшу қари 10 км. узоқликдаги кўчадан айланиб ўтишга мажбур бўлмоқда.

— Бу ҳали ҳолваси, — дейди Турсуной Алиқулова. — Қишлоқнинг ички кўчаларига, ҳатто, шағал ҳам ётқизилмаган. Болаларимиз бўш вақтини унумли ўтказиши учун спорт майдончалари йўқ. Мактабимизга Мўминобод қишлоғидан қатнаётган ўқувчилар бир-бир ярим соат яёв йўл босиб келади. Қор-ёмғирли кунларда уларнинг қанчалик қийинчилик билан мактабга келиб кетаётганлигини тасаввур қилиб кўринг-а! Туман раҳбарлари шу гўдаклар учун лоақал битта транспорт воситаси қатновини йўлга қўйишса бўларди...

Кун якунида туман Кенгаши депутатлари билан бўлиб ўтган учрашувда аҳолининг бу каби ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этиш масаласи атрофлича таҳлил қилинди.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «ТЕНГЛИК АВЛОДИ» ФОРУМИДА ТАЖРИБА ВА ФИКР АЛМАШИЛДИ

*Шу йилнинг 29 — 31 март кунлари Мехико шаҳрида видеоконференцалоқа шаклида “Тенглик авлоди” форуми бўлиб ўтди.*

*Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева видеомурожаат билан иштирок этди.*

## Ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикасининг гендер тенглик, хотин-қизларнинг давлат ва жамоат ишларидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни ва аёллар бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ютуқлари, шу жумладан, пандемия даврида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида глобал форум иштирокчиларига маълумот берилди.

Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари эканлиги таъкидланди.

Конференция доирасида ҳар бир мамлакатнинг Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасида белгиланган стратегик мақсад ҳамда вазифаларни бажаришдаги саъй-ҳаракатларини янада кучайтириш муҳимлигига алоҳида урғу берилди. Зеро, бу икки халқаро ҳужжатда хотин-қизлар ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича универсал мажбуриятлар белгилаб қўйилган.

Тадбир давомида пандемия даврида гендер тенглик тўғрисида хабардорликни ошириш бўйича ялпи ва секция мажлислари ташкил этилди. Хусусан, “XXI аср кун тартиби” ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари нуқтаи назаридан гендер тенгликка эришиш учун жамоатчилик иштироки ва кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, Пекин ҳаракатлар платформаси тадбирларини амалга ошириш бўйича мавзулар кўриб чиқилди.

Форум барча мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон учун гендер тенглик нуқтаи назаридан энг яхши тажриба ва фикр алмашиш майдони вазифасини ўтади.

Форум якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЮРТИМИЗ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИГА ДОИР МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Кейинги йилларда Олий Мажлис Сенати фаолияти изчил ислоҳотларга мос равишда янгиланиб бормоқда. Буни парламент юқори палатаси қўмиталари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Кеча бўлиб ўтган қатор қўмиталар мажлисларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир масалалар кенг муҳокама қилингани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.*

## Сенат қўмиталарида

### Сирдарёда кластерлар қандай ишлаяпти?

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Сенатнинг мазкур қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган ўрганиш жараёнида вилоятда ушбу йўналишда муайян ишлар бажарилгани аниқланди. Масалан, Президентнинг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра “Йўл харитаси” ва дастурлар ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилган.

Бугунги кунда вилоятда 26 та кластер мавжуд бўлиб, 4 мингга яқин иш ўринлари яратилган. Ўтган йили пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 190 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси етиштирилиб, ундан тола, калава ип, мато ва бўялган мато ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Жорий йилда барча тоифадаги кластерлар томонидан лойиҳа қиймати 4 триллион 427 миллиард сўм бўлган 44 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш ва 5 минг 800 та янги иш ўрни яратиш назарда тутилган. Қолаверса, ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпроқ тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қўшимча меҳнат ресурсларини яратиш белгилаб олинган.

Тадбирда соҳага оид айрим муаммолар сақланиб қолинаётгани ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, Мирзаобод туманидаги ер майдонлари унумдорлиги паст, шўрланган. Шу боис ҳудудларда тупроқнинг балл бонитетини ўлчаш, сувнинг таркибини таҳлил қилиш, ўсимликлар касалликларини ўрганиш ва бартараф қилиш ишларини амалга оширишга ихтисослаштирилган илмий-амалий лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

### Ҳали тизимли камчиликлар борлиги айтилди

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида “Labor migration” электрон дастурий комплекси самарадорлигини ўрганиш якунлари таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, ўрганиш меҳнат мигрантларини рўйхатдан ўтказиш механизмини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш жараёнида бюрократик тўсиқларни, коррупция ҳолатларини камайтириш зарурати, шунингдек, Олий Мажлис Сенатига фуқаролардан тушаётган кўп сонли мурожаатлар асосида ташкил этилган эди. Шундан келиб чиқиб, сенаторлар, вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ жойларга бориб дастурий комплекс ишларини ўрганди, экспертлар билан маслаҳатлашувлар, меҳнат мигрантлари билан учрашувлар ўтказди.

Тадбирда мавжуд ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тақдим этилган дастурий комплексни модернизация қилиш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар берилди.

Мажлисда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги раҳбариятининг ахбороти эшитилди. Унда келтирилганидек, дастурий комплекс йўлга қўйилгандан кейинги бир йил давомида 288 мингдан ортиқ турли хизматлар, жумладан, авиа ва темир йўл чипталарини имтиёзли нархларда сотиб олиш бўйича 164 мингта, имтиёзли уй-жой олиш учун зарур ҳужжатлар ва тақдимномалар тақдим этиш бўйича 3 минг 937 та хизмат кўрсатилган.

Дастурий комплекснинг давлат муассасаларининг электрон базалари ва порталлари билан интеграцияси таъминланди. Бу эса меҳнат мигрантларини ҳисобга олиш тезлигини ҳамда ижтимоий ва маслаҳат ёрдамларини кўрсатиш сифатини анча оширди. Айни чоғда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тизимли муаммолар борлиги айтилди.

### Репродуктив саломатликни сақлаш — долзарб вазифа

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмиталари томонидан Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Мактабгача таълим вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда “Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга оид долзарб масалалар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Қайд этилганидек, юртимизда болаларни репродуктив саломатлик бўйича ўқитиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, бу жараён таълим ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари билан биргаликда вояга етмаган шахсларнинг ёши, психологик ва жисмоний ўзига хосликлари ҳисобга олинган ҳолда уларнинг оилалари билан ҳамкорликда тайёрланган махсус дастурлар асосида амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, соҳада ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар борлиги ҳам таъкидланди. Масалан, ёшлар орасида тиббиёт ва таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, ўсмирлар, айниқса, ўсмир қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича кенг тарғибот ва тушунтириш ишлари ташкил этилмасдан қолмоқда.

Бундан ташқари, тадбирда сенаторларнинг ҳудудларда ўтказган ўрганишлари давомида умумтаълим мактабларида репродуктив саломатлик ва ўсмирлар физиологияси масалаларини ўқитиш масаласи Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурлар асосида олиб борилмаётгани ҳамда бу дастурлар аксарият мактабларда номутахассис педагог ходимлар томонидан ўқитилаётганлиги айтилди.

Якунда идоралараро ишчи гуруҳи тузиш, унга етук педагоглар, тиббиёт ходимлари, педагог-олимлар, психолог, диншунос, адабиётшунос ва жамоатчи ёшларни жалб қилиш, мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар, ота-оналар ўртасида сўров ўтказиш, вояга етмаганлар физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, дастурлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

# ДЕПУТАТ БЕМОР ҚИЁФАСИДА ПОЛИКЛИНИКАГА КЕЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 54-Норин сайлов округидан сайланган депутат Зафаржон Худойбердиев сайловчилар билан бу галги учрашувлари олдидан жойлардаги аҳволни ўрганди. Кўпинча бундай ўрганишларда сайловчилар ўртага ташлайдиган саволларнинг аксарияти амалий кўринишда намоён бўлади.*

Қизиғи шундаки, бемор қиёфасида кўп тармоқли туман марказий поликлиникасига ташриф буюрган депутат аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати юзасидан билдирилаётган эътирозларда жон бор эканига амин бўлди. Дардига дармон истаб келган фуқароларни қабул қилишда тартибнинг йўқлиги бир қарашдаёқ кўзга ташланади. Одамлар ўзи истаган мутахассисни қидириб, ҳали у, ҳали бу хонанинг эшигига бош суқиш билан овора. Айрим шифокорлар, хусусан, тор доирадаги мутахассисларни жойидан топиш қийин.

Масалан, кўз касалликлари бўйича келганлар шифокорни соатлаб кутса-да, у жилла қурса, қорасини кўрсатмади. Айтишларига қараганда, офтальмолог қайсидир ҳудудга тиббий кўрик учун кетган экан, лекин айнан қайси қишлоқ ёки маҳаллага йўл олганини ҳеч ким аниқ айтолмади.

Кўпчиликнинг фикрига кўра, бу ерда тор доирадаги мутахассислар узоқ ҳудудлар, шунингдек, ҳарбий хизматга чақирилувчиларни кўрикдан ўтказишга тез-тез сафарбар қилиб туриларкан. Шундай бўлгач, табиийки, у хизмат кўрсатиши лозим бўлган хона эшиги кун бўйи ёпиқ туради-да!

Соғлом турмуш тарғиботида етакчилик қилиши лозим бўлган поликлиникада шифокорларнинг ўзи айтганига амал қилмаётгани ҳам депутатни ҳайратга солди. Чунончи, коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантин чоралари гўёки унутилгандай. Оралиқ масофани сақлаш, деган талабнинг ўзи йўқ. Қолаверса, врач ва ҳамшираларнинг аксарияти тиббий ниқоб тақмаган...

Қонунчилик палатаси депутати туманнинг бош поликлиникасидаги шу сингари бошқа ҳолатлар юзасидан тиббий жамоа билан ўтказилган мулоқот чоғида масалани кўндаланг қўйди. Табиийки, шифокорлар ҳам депутатга бир қатор савол ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдирди. Масалан, улар томонидан тиббиёт ходимларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва уларга бериладиган имтиёзларни ўзида акс эттирган қонун қабул қилиш таклифи ўртага ташланди.

Депутат тиббий хизмат йўналишидаги ўрганишлари давомида аҳолининг бундан уч-тўрт йил аввал фаолияти тугатилган Хўжақўрғонча қишлоқ врачлик пункти ишини қайта тиклаш бўйича мурожаатига ўз жавобини айтди. З. Худойбердиев бир муддат аввал айни масалада тегишли вазирликка депутат сўрови юборганди. Таъкидланишича, собиқ ҚВП ўрнида оилавий поликлиника хизматини йўлга қўйиш 2022 йил дастурига киритилган.

Халқ вакилининг жойларда ўз сайловчилари билан учрашувлари, шунингдек, туман ҳокимлигида ташкил этилган сайёр қабулда ҳам аҳолини қийнаётган бир қатор муаммолар ўртага ташланди. Мутасадди идоралар кўмагида уларнинг аксариятига тезда ечим топилди, ҳал этилиши вақт ва маблағ талаб қиладиган мурожаатлар назоратга олинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БИНО ВА ЕР МАЙДОНЛАРИГА ЭҲТИЁЖИ БОР, АММО...

*Мамлакатимизда маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, инфратузилмасини ривожлантириш учун дастурлар ишлаб чиқилиб, катта маблағ сарфланяпти. Аммо афсуски, дастурлар ижроси ва маблағларни сарфлаш борасида камчиликлар учраётгани рост.*

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бундан буён "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига қайси маҳалла ёки қишлоқ киришини маҳаллий Кенгашлар белгилаши, туман ҳамда шаҳар ҳокимининг ўринбосари зарур маблағлар ва амалга ошириладиган ишларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, маҳалла раиси билан бирга, ҳудудий Кенгашларда ҳимоя қилиши белгиланиши айтиб ўтилди.

Маҳаллий Кенгашлар зиммасига юкланган масъулиятли вазифаларни бажаришда депутатларнинг ўрни ва ролини ошириш юзасидан Бувайда туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова билан бўлиб ўтган учрашувда шу хусусда сўз юритилди.

Мулоқот чоғида ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратиш орқали бандликни таъминлаш имкониятини яратиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Халқ вакили туманда фаолият юритиб келаётган тадбиркорлар муаммосини ҳам ўрганди.

— "Бувайда" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Ёқубжон Деҳқонов раҳбарлигидаги "Муҳаммад Мадина Барака" хусусий корхонаси фаолияти билан танишар эканман, бу ерда 30 нафар хотин-қиз иш билан банд экани мени қувонтирди, — дейди М. Ибрагимова. — Корхонада, асосан, эркаклар кийим-кечаги тайёрланади. Тадбиркорнинг келгуси режасида тўқув ускуналарини олиш ва унда ип-йигирув ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу билан яна 30 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланиши қувонарли.

Шунингдек, депутат "Тўда" МФЙда жойлашган "Ҳусниёхон моҳир қўллари" оилавий ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бўлиб, тадбиркорлик субъекти фаолияти билан яқиндан танишди. Асосан, эркаклар ва болалар спорт либослари тикиладиган корхонада 50 нафар аёл иш билан банд. Корхонани кенгайтириш учун бино ва ер майдонига эҳтиёж бор. Бу масалалар ижобий ҳал этилса, яна бир нечта иш ўрни яратилиши мумкин.

Бувайда қишлоғининг Қум маҳалласида яшовчи Шуҳратжон Ҳайдаров ўз хонадонида мавсумий эркаклар кийимини тикишни йўлга қўйган. Лекин бу ерда ҳам жой масаласи муаммо.

Ана шундай муаммолар қуршовида фаолият юритиб келаётган бир нечта тадбиркорларнинг масалалари депутат назоратига олинди.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ВАҚТ ТАЛАБ ЭТАДИГАН МУРОЖААТЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Эркин Салихов Самарқанд шаҳридаги 28, 80-мактабларда бўлиб, "Меҳнат", "Ипак йўли", "Темирйўлчилар", "Обод маскан", "Қора сув" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан учрашди.*

Дастлаб учрашувда депутат мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, янги қонун ҳужжатлари, уларнинг аҳамияти, шунингдек, маҳалла тизимининг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли хусусида тўхталди.

Шундан сўнг очиқ мулоқотда фуқаролардан йўл қурилиши, газ ва энергия тақчиллиги, мактабгача таълим ташкилоти, умумтаълим мактаблари фаолияти билан боғлиқ масалаларда мурожаатлар бўлди.

Парламент аъзосининг ана шундай учрашувларининг навбатдаги манзили — шаҳардаги Геологлар маҳалласи бўлди. Бу ерда фуқаролар учун сайёр қабул ташкил этилди. Депутат фуқаролардан тушган турли мазмундаги мурожаатлар, таклиф ва мулоҳазаларни тинглар экан, уларнинг қонун доирасида ижросини таъминлаш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар хусусида сўз юритди.

Учрашув давомида аҳоли мурожаатларининг аксарияти жойида ҳал этилди, қўшимча вақт талаб қиладиган масалалар эса депутат назоратига олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Полвоновнинг сайловчилар билан учрашуви эса Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида бўлиб ўтди.

Халқ вакилининг аҳоли билан учрашуви туман ҳокими Ш. Худайбердиев иштирокидаги сайёр қабулдан бошланди. Унда сайловчилар томонидан, асосан, бандлик, кредит ажратиш, уй-жой кадастри, ижтимоий нафақаларни тайинлаш, маҳалла фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш каби бир қатор масалалар кўтарилди.

Хусусан, Пахтачи маҳалласида яшовчи Гўзал Отамуродова савдо ишлари билан шуғулланиш истагида озиқ-овқат бозоридан жой ажратиш, чархинлик Зилола Анварова эса уй-жойининг кадастр ҳужжатларини тўғрилашда амалий ёрдам сўради. Мурожаатлар туман ҳокимлиги масъуллари ҳамда тегишли ташкилотлар билан суҳбатлашилиб, тез орада ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Қўшимча вақт ва ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, ижроси депутат назоратига олинди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI, O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI, QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI, TOSHKENT SHAHRI, BARCHA VILOYATLARNING TEGISHLI TASHKILOT VA MUASSASALARI RAHBARLARI DIQQATIGA!**

# TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI

*2020/2021-o'quv yilida bakalavriat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo'yicha o'qishni tamomlayotgan bitiruvchilarning intellektual salohiyatidan unumli foydalanish va ularning kelajakda o'z o'rinlarini topishga ko'maklashish maqsadida ishga taqsimlash jarayoni boshlanganligini e'lon qiladi va quyidagi ma'lumotlarni taqdim etadi.*

**Qo'shimcha ma'lumotlar uchun telefon: 71-260-38-00, faks: 71-260-48-00, Buyurtmalar portfelini shakllantirish, bitiruvchilarni ishga taqsimlash va monitoring bo'limi telefoni: 71-260-48-50.**

| № | Ta'lim yo'nalishlari (mutaxassisliklar): Shifri | Nomi | Bitiruvchilar soni | shu jumladan: grant | shu jumladan: shartnoma | Qoraqalpog'iston Respublikasi: grant | shartnoma | Andijon viloyati: grant | shartnoma | Buxoro viloyati: grant | shartnoma | Jizzax viloyati: grant | shartnoma | Navoiy viloyati: grant | shartnoma | Namangan viloyati: grant | shartnoma | Samarqand viloyati: grant | shartnoma | Surxondaryo viloyati: grant | shartnoma | Sirdaryo viloyati: grant | shartnoma | Toshkent viloyati: grant | shartnoma | Farg'ona viloyati: grant | shartnoma | Xorazm viloyati: grant | shartnoma | Qashqadaryo viloyati: grant | shartnoma | Toshkent shahri: grant | shartnoma | Boshqa davlatlar: grant | shartnoma |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **OTM bo'yicha jami:** | **1865** | **529** | **1336** | 5 | 20 | 7 | 18 | 19 | 36 | 70 | 36 | 22 | 36 | 15 | 25 | 10 | 56 | 44 | 192 | 65 | 52 | 103 | 320 | 27 | 59 | 19 | 52 | 54 | 197 | 69 | 235 | 0 | 2 |
| | | **Bakalavriat (kunduzgi) jami:** | **1570** | **360** | **1210** | 0 | 15 | 2 | 13 | 16 | 33 | 62 | 29 | 20 | 33 | 10 | 19 | 6 | 50 | 24 | 178 | 58 | 48 | 75 | 296 | 15 | 56 | 14 | 43 | 25 | 188 | 33 | 208 | 0 | 1 |
| 1 | 5111000 | Kasb ta'limi (Agronomiya) | **17** | **3** | **14** | | 1 | | 1 | | 2 | | | | | | | | | 1 | 3 | | | 1 | 4 | | 1 | | | 1 | 1 | | 1 | | |
| 2 | 5111000 | Kasb ta'limi (O'simliklar himoyasi va karantin) | **11** | **3** | **8** | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | 3 | 1 | 2 | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | | |
| 3 | 5111000 | Kasb ta'limi (5410500 – Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirish, saqlash va qayta ishlash texnologiyasi) | **6** | **3** | **3** | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 3 | 1 | | | | | | | | | | |
| 4 | 5111000 | Kasb ta'limi (Meva-sabzavotchilik va uzumchilik) | **9** | **3** | **6** | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | | | 1 | 2 | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | |
| 5 | 5230100 | Iqtisodiyot (qishloq xo'jaligi) | **27** | **4** | **23** | | | | 1 | | 3 | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 2 | 4 | | 5 | | 2 | | 1 | 1 | 4 | | |
| 6 | 5230400 | Marketing (qishloq xo'jaligi) | **17** | **5** | **12** | | | | | | 1 | 1 | | | | | 2 | | | | 3 | 1 | | 2 | | | | | 1 | | 1 | 1 | 4 | | |
| 7 | 5230900 | Buxgalteriya hisobi va audit | **24** | **5** | **19** | | | | | | 1 | 1 | | | 2 | | | | | | 2 | 1 | | 2 | | | 1 | | 2 | | 1 | 1 | 10 | | |
| 8 | 5410100 | Agrokimyo va agrotuproqshunoslik | **62** | **17** | **45** | | 1 | | | | 3 | 5 | | 1 | 1 | | | | | | 9 | 4 | 1 | 3 | 12 | 1 | 2 | 1 | | | 14 | 2 | 2 | | |
| 9 | 5410200 | Agronomiya (dehqonchilik mahsulotlari bo'yicha) | **155** | **26** | **129** | | 1 | | | 1 | 2 | 5 | 1 | 1 | 6 | 1 | | | 2 | | 18 | 5 | 2 | 6 | 32 | 2 | 7 | 1 | 6 | 2 | 22 | 2 | 30 | | |
| 10 | 5410300 | O'simliklar himoyasi va karantin | **127** | **19** | **108** | | 1 | | 1 | 1 | 3 | 5 | 3 | 1 | 3 | 1 | | | 7 | | 16 | 3 | 2 | 3 | 32 | 1 | 6 | 1 | 3 | | 12 | 3 | 19 | | |
| 11 | 5410400 | Qishloq xo'jaligi ekinlari selektsiyasi va urug'chiligi | **55** | **15** | **40** | | 2 | 1 | | 1 | | 2 | 4 | 1 | 1 | 1 | | | 2 | | 10 | 2 | 2 | 2 | 3 | 1 | 4 | 1 | 2 | | 10 | 3 | | | |
| 12 | 5410500 | Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirish, saqlash va qayta ishlash texnologiyasi | **103** | **26** | **77** | | 1 | | | 1 | 1 | 3 | | 1 | 1 | 1 | | | 4 | 2 | 18 | 5 | 4 | 4 | 27 | 1 | 2 | 1 | 2 | 2 | 7 | 5 | 10 | | |
| 13 | 5410600 | Zootexniya (tarmoqlar bo'yicha) | **71** | **40** | **31** | | | | | 1 | 1 | 7 | 1 | 2 | 3 | | | | 3 | 5 | 4 | 7 | | 9 | 5 | 1 | 2 | 1 | | 4 | 9 | 3 | 3 | | |
| 14 | 5410600 | Zootexniya (baliqchilik) | **44** | **8** | **36** | | | | | | | 3 | 3 | | 1 | | | | | 1 | | 1 | | 3 | 19 | | | | 2 | | 6 | | 5 | | |
| 15 | 5410800 | O'rmonchilik va o'rmon melioratsiyasi | **120** | **26** | **94** | | 2 | | | 1 | | 5 | 2 | 2 | 3 | | 1 | 1 | 5 | 3 | 17 | 3 | 4 | 5 | 27 | | 2 | 2 | 1 | 3 | 22 | 1 | 8 | | |
| 16 | 5410900 | Ipakchilik | **81** | **38** | **43** | | | | | 2 | 3 | 3 | 2 | 4 | 1 | 3 | 2 | 4 | 2 | 5 | 7 | 4 | 2 | 8 | 9 | 4 | 1 | 1 | 1 | | 10 | | 3 | | |
| 17 | 5411000 | Meva-sabzavotchilik va uzumchilik | **66** | **17** | **49** | | | | | 2 | | 3 | | 2 | 2 | | | | 2 | | 11 | 3 | 3 | 4 | 13 | | | | 2 | 1 | 7 | 2 | 8 | | 1 |
| 18 | 5411100 | Dorivor o'simliklarni yetishtirish texnologiyasi | **57** | **6** | **51** | | | | 2 | | 7 | 1 | 1 | | 1 | 1 | 2 | 1 | 3 | | 6 | 1 | 1 | | 7 | 1 | 2 | | 5 | | 9 | 1 | 5 | | |
| 19 | 5411200 | Manzarali bog'dorchilik va ko'kalamzorlashtirish | **51** | **8** | **43** | | | | 1 | 1 | | 1 | 3 | | | | | | 1 | 1 | 5 | 1 | 3 | 2 | 15 | 1 | 1 | | | 1 | 4 | | 10 | | |
| 20 | 5420100 | Qishloq xo'jaligida menejment | **363** | **70** | **293** | | 6 | | 4 | 4 | 2 | 13 | 8 | 5 | 6 | | 6 | | 17 | 5 | 37 | 13 | 18 | 12 | 62 | | 15 | 5 | 10 | 9 | 36 | 4 | 66 | | |
| 21 | 5440100 | Veterinariya | **104** | **18** | **86** | | | 1 | 3 | 1 | 3 | 2 | | | 1 | 2 | 6 | | | 1 | 7 | 2 | 4 | 3 | 21 | 2 | 4 | | 4 | 2 | 15 | 2 | 18 | | |
| | | **Bakalavriat (sirtqi):** | **68** | | **68** | | 2 | | 2 | | 3 | | 5 | | 2 | | 4 | | 1 | | 1 | | 2 | | 14 | | 3 | | 4 | | 4 | | 21 | | |
| 1 | 5230100 | Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | **25** | | **25** | | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | | | | | | | | | | 2 | | 4 | | 1 | | 2 | | | | 11 | | |
| 2 | 5230900 | Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo'yicha) | **5** | | **5** | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | |
| 3 | 5410200 | Agronomiya (dehqonchilik mahsulotlari turlari bo'yicha) | **6** | | **6** | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 2 | | |
| 4 | 5410300 | O'simliklar himoyasi va karantin | **5** | | **5** | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | 1 | | |
| 5 | 5410800 | O'rmonchilik va o'rmon melioratsiyasi | **6** | | **6** | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | | |
| 6 | 5410900 | Ipakchilik va tutchilik (maxsus sirtqi) | **11** | | **11** | | | | | | 1 | | 3 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | 2 | | 1 | | 1 | | |
| 7 | 5440100 | Veterinariya | **10** | | **10** | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 4 | | | | | | | | 4 | | |
| | | **Magistratura:** | **227** | **169** | **58** | 5 | 3 | 5 | 3 | 3 | | 8 | 2 | 2 | 1 | 5 | 2 | 4 | 5 | 20 | 13 | 7 | 2 | 28 | 10 | 12 | | 5 | 5 | 29 | 5 | 36 | 6 | | 1 |
| 1 | 5A410101 | Agrotuproqshunoslik va agrofizika | **8** | **7** | **1** | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 3 | | 2 | | | |
| 2 | 5A410102 | Agrokimyo | **8** | **6** | **2** | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | 2 | | | 1 | 2 | | | | | |
| 3 | 5A410201 | Agronomiya | **12** | **7** | **5** | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | | | | | | | 1 | | | 2 | 2 | | | | 2 | 1 | | 1 | | |
| 4 | 5A410202 | O'simlikshunoslik | **19** | **13** | **6** | | | | | | | 2 | | | | 1 | | | | 1 | 3 | | | 2 | | | | 1 | 1 | 2 | 2 | 4 | | | |
| 5 | 5A410301 | O'simliklar himoyasi (usullar bo'yicha) | **14** | **11** | **3** | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | 2 | | | 4 | | 1 | | | | 1 | | 3 | 1 | | |
| 6 | 5A410302 | Entomologiya | **7** | **7** | **0** | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | 2 | | | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | | | |
| 7 | 5A410303 | Fitopatologiya | **6** | **6** | **0** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | 3 | | 1 | | | |
| 8 | 5A410401 | Selektsiya va urug'chilik | **14** | **12** | **2** | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | | | 3 | | 5 | | | 1 |
| 9 | 5A410501 | Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi | **19** | **12** | **7** | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | | 2 | 1 | 2 | | | 1 | 1 | | | 1 | 2 | | 2 | 1 | | |
| 10 | 5A410801 | O'rmonchilik | **14** | **6** | **8** | | 1 | 1 | 3 | 1 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | | | 1 | | | 3 | 1 | | |
| 11 | 5A410901 | Ipakchilik | **6** | **6** | **0** | 2 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | | | |
| 12 | 5A410902 | Tutchilik | **6** | **5** | **1** | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | | | |
| 13 | 5A411001 | Sabzavotchilik va polizchilik | **7** | **5** | **2** | | | | | | | | | 1 | | | | | | 2 | 1 | | | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | | |
| 14 | 5A411002 | Mevachilik | **9** | **7** | **2** | | | 1 | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | | 1 | 3 | | | | | | 1 | | | |
| 15 | 5A411003 | Uzumchilik va uzumni dastlabki qayta ishlash | **8** | **7** | **1** | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 1 | | | 1 | | | 1 | | 1 | | 2 | | | |
| 16 | 5A411004 | Kartoshkachilik | **8** | **6** | **2** | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | 1 | | | | | | 4 | | | | | |
| 17 | 5A411005 | Meva-sabzavotchilikda biotexnologiya | **9** | **7** | **2** | | 1 | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | 2 | | | | | | | | 2 | | | |
| 18 | 5A411101 | Dorivor o'simliklarni yetishtirish texnologiyasi | **8** | **8** | **0** | 2 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | 2 | | | | | | | |
| 19 | 5A411201 | Aholi yashash joylarini ko'kalamzorlashtirish va landshaftli dizayn | **7** | **5** | **2** | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | | | 1 | 1 | 1 | | | |
| 20 | 5A411202 | Manzarali bog'dorchilik | **8** | **4** | **4** | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | 1 | 1 | | | | | | 1 | 2 | | | |
| 21 | 5A411501 | O'simliklar va qishloq xo'jalik mahsulotlari karantini | **10** | **9** | **1** | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | 2 | | | | | | 2 | | 1 | | | |
| 22 | 5A411606 | Baliqchilik | **15** | **8** | **7** | | | | | | | 1 | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | | 1 | | | | 1 | 1 | | |
| 23 | 5A411701 | Himoyalangan yer meva-sabzavotchiligi | **5** | **5** | **0** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | 2 | | | |

# МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ФАОЛЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ



## Иқтисодиётга инвестиция зарур

Инвестиция — иқтисодиёт ривожини тезлаштирувчи манба. Аммо хорижий сармоядор таваккал билан иш тутмаслиги табиий. Шу боис у бирор мамлакатга маблағ киритишдан аввал бу унга қанчалик фойда келтиришини ўрганмоқчи бўлади. Ҳамкорликка бел боғлаган маҳаллий ташкилот, компания ё корхонанинг бизнес мулки қанчалик ўсгани, қарздорлик ҳолати қандай аҳволдалиги билан қизиқади. Демак, айни шу жараёнда инвесторга бўлажак бизнес шеригининг иқтисодий, мулкий, молиявий ҳолати ва ўтган даврдаги фаолияти натижалари ҳақидаги аниқ ҳамда тушунарли маълумотлар керак. Айнан шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлар кенгаши ушбу ҳисобот андозаларини ишлаб чиққан.

Ўзбекистон ҳам халқаро молия бозорларининг фаол иштирокчиси бўлишни мақсад қилган. Демак, мамлакатимиздаги йирик корхоналар учун бу бозорга чиқиш йўли очиқ бўлиши лозим. Чет эл фуқаролари ёки юридик шахслар томонидан ана шу маҳаллий корхоналаримиз акция ва облигациялари сотиб олиниб, уларга инвестиция киритилиши эса биринчи галда ўша корхонанинг ривожланишига, пировардида Давлат бюджетига тушумлар ошишига хизмат қилади.

Мана, янги Ўзбекистон иқтисодиёти кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашмоқда. Бироқ халқаро фонд бозорларида тўлақонли иштирок этиш молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтишни талаб қиларди.

Шу мақсадда Президентимиз томонидан 2020 йил 24 февралда алоҳида қарор қабул қилинди. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” деб номланган мазкур ҳужжатга мувофиқ, хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтиришга доир устувор вазифалар белгиланди.

Пировардида шу йил 1 январдан бошлаб акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этишга киришди. 2021 йил якунидан бошлаб эса улар молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрлайди.

## Муваффақият масалалар ечимидан бошланади

Ислоҳотлар — амалда. У бухгалтерия ҳисоби тизимининг услубий таъминотини шакллантиришни назарда тутади. Бироқ олдинда ҳал этилиши зарур бўлган масалалар, қилинадиган ишлар кўп. Масалан, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартибига табақалаштирилган ёндашув орқали уларнинг ишончли ҳамда тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаш керак.

Хорижий инвесторларни жалб қилиш, халқаро капитал бозорларига чиқиш, чет эллик ҳамкорлар билан шериклик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдор бўлган маҳаллий молиявий муассасалар ва корхоналаримиз сафи ниҳоятда кенг. Улар зиммасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалда қўллаш вазифаси турибди.

Зеро, дунёда МҲХСнинг аҳамияти сезиларли даражада ошган. У нафақат иқтисодий жиҳатдан тараққий этган етакчи мамлакатлар тажрибасини умумлаштиради, балки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг миллий тизимларини ривожлантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатади.

Аксарият мамлакатларда компаниялар МҲХСни ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаш учун асос сифатида қўллай бошлади. Чунки бу шаффофлик, сифат яхшиланишига хизмат қилади, капитални жалб қилиш харажатларини камайтириш ва инвестициялар оқими ошишига ёрдам беради.

Аммо, афсуски, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари мазмунига ҳамда фойдаланиш муаммоларига оид ишланмалар йўқ. Унинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва тушуниш масаласи долзарб.

Мана, сўнгги йилларда кўплаб янги стандартлар ишлаб чиқилди, амалдагиларига сезиларли ўзгартиришлар киритилди. Энди ана шу ўзгаришларнинг умумий йўналиши ва оқибатларини баҳолаш, стандартларни башорат қилиш талаб этилади. Буни амалга оширмай туриб, миллий амалиётда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш мумкин эмас.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тизимини шакллантириш қонуниятлари қандай? Бунинг назарий асослари нималардан иборат? Уларни такомиллаштириш йўллари-чи? Айни шу саволларга жавоб топиш олий таълим муассасалари олдига ҳам қатор вазифаларни қўйди.

## Амалий ишлар дебочаси

Ҳар қандай ислоҳотнинг муваффақияти кадрлар билими, малакаси ва салоҳиятига боғлиқ. Шу боис давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича мутахассислар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мазкур жараёнда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш юзасидан тажриба-синов олий таълим муассасаси сифатида белгиланган. Ҳозир тегишли “Йўл харитаси”га мувофиқ, бу борадаги чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириляпти.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши бўйича бакалавр ўқув режасининг уч йилида асосий фанлар блокига киритилган Молиявий ҳисобот фани ўқув дастурини халқаро аккредитациядан ўтказишда тизимли ишлар йўлга қўйилди. Бу борада дунёнинг етакчи университетлари тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга, университетда кредит-модуль тизими доирасида “ACCA” сертификатлари олиш учун ўқитиладиган фанлар бакалавр ва магистратура босқичларининг ўқув режаларига фан хусусиятидан келиб чиқиб F1 (Accountant in Business), F2 (Management Accounting), F3 (Financial Accounting), F4 (Corporate and business law), F5 (Performance Management), F6 (Taxation), F7 (Financial Reporting), F8 (Audit) ва F9 (Financial Management) фанлари кетма-кетликда киритилди.

Олий таълим муассасалари ўқув дастурларини аккредитациядан ўтказиш масалалари бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари соҳасида етакчи халқаро ташкилотлар билан музокаралар ўтказилаётир.

F1 ва F3 фанларининг маъруза машғулотларини олиб бориш учун Буюк Британиянинг Халт университети ҳамда Лондон бизнес мактабидан эксперт жалб этилди. Ушбу хорижий мутахассис билан ҳамкорликда “Молиявий ҳисобга кириш ва унинг концептуал асослари”, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: имкониятлар ва долзарб масалалар” каби мавзуларда қатор илмий семинарлар уюштирилди.

## Миллий сертификатлаш тизими: бизда таклиф бор

Мамлакатимиз ҳисоб тизимининг халқаро меъёрлар асосида ташкил этилиши — қувонарли воқелик. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида фаолият юритадиган кадрларни миллий сертификатлаш тизими ҳам ажойиб механизм. Аммо бу жараёнда асосий эътибор ҳисоб тизимининг юритилишига эмас, балки солиқ ва молия тизимидаги қонунчиликка қаратилишини тақозо этади.

Бизнингча, сертификатлаш мажмуини жорий этишда бир қатор жиҳатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, бу жараён ихтиёрий бўлиши зарур. “ACCA”, “CAP”, “CIPA” халқаро сертификатига эга бухгалтерларга миллий сертификатлар имтиҳонларсиз берилиши тарафдоримиз. Бинобарин, миллий сертификатга эга бўлиш билан боғлиқ малака талаблари фақат давлат улуши бўлган, банк ва суғурта ҳамда йирик солиқ тўловчи ҳисобланган хўжалик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши зарур.

Миллий сертификатлаш тизими ва унга бўлган талабни мутахассислар орасида оммалаштиришга эҳтиёж катта. Бунинг учун биринчи навбатда, ривожланган мамлакатлардаги каби молия бозори такомиллаштирилишига ҳамда капиталнинг эркин ҳаракатига эришиш талаб этилади.

Тегишли мутахассислик бўйича магистр дипломлари эгаларига ҳам миллий сертификатлар имтиҳонларсиз берилишини таъминлаш даркор. Бунга ушбу сертификатлашга доир ўқув дастурларини магистратура мутахассисликларини ўқитишда кенг қўллаш орқали эришиш мумкин.

Миллий сертификатлаш тизими бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда молия, солиқ ва божхона қонунчилиги ҳамда янгиликларини қамраб олувчи платформа яратиш — давр талаби.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан мунтазам янгиланиб туриладиган www.lex.uz сайти мавжуд. Шу каби сайт яратилиб, унда молия, солиқ ва божхона соҳаларига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бирга, юқорида номлари келтирилган идораларнинг ички (қонуности) ҳужжатлари ҳам кенг омма эътиборига ҳавола қилиб борилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, ўрта маълумотга эга талабгорларга бухгалтерларни сертификатлаш икки босқичда ташкил этилгани маъқул. Биринчи босқич Молиявий ҳисоб, Бошқарув ҳисоби ҳамда Солиққа тортиш фанлари бўйича имтиҳонларни ўтказишни қамраб олса, иккинчи босқич агар 1-босқич сертификати бор бўлса, Молиявий ҳисобот, Бошқарув ҳисоби-2, Аудит ва Ҳуқуқ фанлари бўйича имтиҳонларни ўтказишдан иборат бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтилиши корхоналаримизнинг жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиши учун мустаҳкам замин яратади. Бу эса тараққиёт йўлидаги яна бир дадил қадамдир.

**Актам БУРХОНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг молия ва бухгалтерия ҳисоби факультети декани, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# «СИЗЛАР ҲЕЧ КИМ ЭМАССИЗ!»



- **Яна мажлисбозлик...**
- **Газеталар учун ажратилган пулнинг эгаси борми?**
- **«PRESS POLIGRAF SERVIS» МЧЖ кимнинг эркаси?**
- **Бизда маънавият нечанчи ўринда?!**

### 1. Яна мажлисбозлик...

...Шу йилнинг 12 март куни эрталаб Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Рустамжон Исроиловга учрашдик. Гапнинг индаллоси, суҳбат аввалидаёқ у шу куни мажлислар (!) билан бандлигини, шу тобда йиғилишга жўнаб кетишини маълум қилди. Кейин... шу билан тушлик, ундан сўнг соат иккида видеоселектор. Орада бир-икки соат ўз хонасида бўладими, йўқми, (бу ҳали номаълум!) кечқурун яна бир вилоят даражасидаги мажлис...

Хуллас, давлат раҳбари “мажлисбозликни камайтиринглар”, деб бот-бот айтаётир, мулозимлар эса...

Халқ тили билан айтганда ҳамон “эски ҳаммом, эски тос”.

Бошқарма бошлиғи бизга маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Хайрулла Абдураҳмоновни рўпара қилди. Яъни шу мулозим обуна ишлари билан шуғулланган экан.

Қарангки, бошқарма бошлиғи ўринбосари бизни “PRESS POLIGRAF SERVIS” МЧЖ мутасаддилари билан телефон орқали боғлади-да, ўзи ҳам мажлисга бормаса бўлмаслигини, тушдан сўнг вақт топса, қўлидан келадиган ҳар қандай ёрдамга тайёрлигини билдирди...

### 2. Журналист суриштируви, мутасадди «уриштируви»

Раҳбар бир ёқда қолиб, биз билан фирманинг иш юритувчисиман, дея ўзини таништирган Музаффар Жамолиддинов қизғин тортишувларга тушиб кетди.

Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-қарори ҳамда халқ таълими вазирининг топшириғи асосида ҳар бир қишлоқ мактабини 2021 йилда биттадан “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари билан таъминлаш режалаштирилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун вилоят молия бошқармаси маълум миқдорда пул ажратган. Ана шу маблағ Уйчи, Норин, Наманган, Косонсой, Учқўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон туманлари халқ таълими бўлимлари ҳисоб рақамларига туширилиб, ундан сўнг (“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” маҳаллий бўлинмалари бир четга сурилиб!) гўёки тендерда ғолиб чиққан “PRESS POLIGRAF SERVIS” МЧЖга 2020 йил 25 декабрда ўтказиб берилган.

Шундан сўнг фирма “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти билан шартнома тузиб, пулни ўтказиб, 1 январдан газета етказиб бериш бўйича талабнома жўнатиши керак эди.

Аммо... турли-туман важ-корсонларни ўртага чиқариб, МЧЖ шартнома ҳам тузмади, пулни ҳам ўтказмади... Анчайин гап-сўзлардан сўнг таҳририят ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилди. Шундан кейингина фирма Наманган вилояти прокуратураси талабига кўра таҳририят билан шартнома тузди, пулни ўтказди, бироқ... талабнома жўнатмади.

Табиийки савол туғилади: нега?

12 март куни “PRESS POLIGRAF SERVIS” МЧЖ иш юритувчиси М. Жамолиддинов бу саволга қуйидагича жавоб қилди:

— Биз “Халқ сўзи” билан тузган шартнома бўйича бир ойлик газета оламизда, кейинги ойлар учун шартнома иловасини бекор қилиб, пулни ортга қайтариб, бошқа газета обунаси учун берамиз.

— Шартномани бекор қилишга сабаб нима? Бунга қандай асос бор? Сизга биров “шартномани бекор қил”, деб айтдими?

— Биз ўзимиз шундай қарорга келдик, — деди иш юритувчи, — чунки пул биздами, барча масалани ўзимиз ҳал қиламиз.

— Наҳотки? Шундай қилиш ўзи мумкинми?

— Мумкин, аввал ҳам шунақа ишларни қилганмиз. Бунга ҳаққимиз бор.

...

Қаранг-а! Қишлоқ мактабларини газета билан таъминлаш учун молия бошқармаси пул чиқаряпти, еттита туман халқ таълими бўлими уни “Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” бир ёқда қолиб, қандайдир “PRESS POLIGRAF SERVIS” МЧЖга ўтказиб беряпти, у эса... пулнинг эгаси эмиш!

— Биз ҳали сизларни судга берамиз, фирмамизни вазирликка, прокуратурага бериб, текширтиришга нима ҳақларинг бор? Сизлар кимсизлар ўзи? — дея пўписага ўтди иш юритувчи. Таҳририят ҳуқуқшуносини эса куракда турмайдиган ибора билан ҳақорат қилди.

Бу ўша қадимги мақол: “Қўрққан олдин мушт кўтарар”ни эслатди.

— Сиз декабрда газеталар учун пулни олгансиз, тўғрими, то прокуратура аралашгунга қадар, икки ой давомида маблағни ҳам бермадингиз, шартнома ҳам тузмадингиз. Бунинг боиси нима? — сўраймиз иш юритувчидан.

— Буни мен билан муҳокама қила олмайсизлар, чунки сизлар ҳеч ким эмассиз! Керак бўлса, мен ўша бюджет ташкилотларига бориб, “Шартномани бажара олмадим”, деб пулини қайтариб беришим ҳам мумкин. Менинг “халқ таълими” билан тузган шартномамга сизлар аралаша олмайсизлар, чунки ҳеч ким эмассиз, — такроран таъкидлади М. Жамолиддинов.

У аслида озиқ-овқат соҳаси бўйича мутахассис бўлса-да, ўз ишининг устаси, ҳуқуқ соҳасини ажабтовур тушунадиган кишига ўхшатишимизни истарди, чамаси. Бироқ кимгадир ишониб, жуда баланддан келар, иложи бўлса, олган пулини икки ой давомида ўтказиб бериш ўрнига асоссиз ушлаб ўтиргани учун жавобгарликни ҳис қилишни мутлақо истамаётгандай эди, назаримизда. Ҳолбуки, кейинчалик билишимизча, айнан “Халқ сўзи” газетасини йилнинг иккинчи ярмидан етказиб бериш тўғрисида ҳужжатлар ҳам тайёрлаган экан. (Бу прокуратура текшируви давомида тайёрланган, деган гумонларга бордик. Тағин, Худо билади...)

— Йилнинг иккинчи ярмигача “Халқ сўзи” газетаси ёпилиб ҳам кетиши мумкин, — давом этди иш юритувчи. — Ўшанда иккинчи ярим йиллик учун ажратилган пулни қайтариб оламиз ва бошқа газетага ўтказамиз...

Хуллас, пулни бермаслик учун М. Жамолиддинов иккита газетани бир-бирига қарши қўйиш ниятида эканини асло яшириб ўтирмади.

### 3. Ваъда бериб мажбуриятни унутаётганлар

Суриштирув давомида “PRESS POLIGRAF SERVIS” МЧЖ “Қандай қилиб қишлоқ мактабларига газеталар етказиб бериш ҳуқуқини қўлган киритди?” деган савол кишини ўйлантириб қўйди. Чунки унинг матбуотга, шу билан бирга, маънавият ва маърифатга муносабати юқоридаги гап-сўзлардан билиниб турибди.

Бу қанақа тендер бўлдики, “Мен арзон нархларда етказиб бераман”, деса, сўрамай-суриштирмай, вилоят молия ва халқ таълими бошқармалари пулни унга ўтказиб юбораверишди? Боз устига МЧЖ мутасаддилари “газеталарни ҳафтасига бир ёки икки марта етказиб берамиз холос”, деб ўзлари тан олиб туришса?..

Ваҳоланки, газета етказиш — бу маърифат, маънавият етказиб бериш демак. Ўн кундан кейин, бир ойдан кейин қўлга етиб борган газета кимга керак? Вақтида етказиб бериш керак, бу долзарб масала. Умуман, бу соҳада ҳам ўзгаришлар бўладими, ўзи?

Айнан Музаффар Жамолиддинов таъкидича эса, бунга ҳеч қайси мактаб эътироз билдирмайди.

Тушунчани қаранг!

Демак, хоҳласа, ҳафтада бир марта етказса ҳам бўлади. Агар истаса, албатта.

Ёхуд етказмаса ҳам бўлаверади...

Бу масала билан эса ҳеч ким қизиқмайди. Негаки...

Устига-устак, М. Жамолиддиновнинг гапларига кўра, яқинда вилоят маҳаллий бюджетидан 2022 йилда қишлоқ мактабларига газеталар етказиб бериш учун бир миллиард икки юз миллион сўм ажратиш масаласи ҳал бўлибди. Қарангки, бу маблағ ҳам “PRESS POLIGRAF SERVIS”га ўтказиб берилар эмиш.

### 4. Маънавият нечанчи ўринда?

Айтишларича, уруш даврида жангдан чиққан аскарларнинг руҳини кўтариш учун уч вагон юк келтиришибди. Биттасида жанггоҳ ортидаги оилалардан келган хатлар ва газеталар, иккинчисида — озиқ-овқат, учинчисида эса кийим-кечак ҳамда қурол-аслаҳа бор экан.

Вагонларнинг қай бирини олдин очиш ҳақидаги масала кўндаланг қўйилибди. Ва бу жуда катта мунозарага сабаб бўлибди. Шунда бир оқсоқол айтибди:

— Энг аввал почта ва газеталар юкланган вагонни очамиз. Уйдан келган хатларни ўқиб, газеталардан жангларнинг бориши ҳақидаги хабарлар билан танишиб, аскарларнинг руҳи кўтарилади. Қолгани кейин бўлаверади...

Яъни уруш кетаётган пайтда ҳам энг муҳим нарса маънавият эканлиги тан олинмоқда.

Бизда-чи?

Нима қиляпмиз ўзи?

Маънавият нечанчи ўринда?

Таҳририят ходимлари ижодий иш билан машғул бўлиш ўрнига —“тадбиркорлар” билан газета етказиб бериш масаласида тортишишга мажбур бўлишяпти. Айрим фирмалар эса ойлаб бюджет пулини яшириб ўтирибди-ю, жавобгарликдан қўрқиш ўрнига, яна “мушт дўлайтирса”...

### 5. Кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан

13 март куни Уйчи тумани халқ таълими бўлими мудирининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари Акрамжон Мелибоев билан телефон орқали суҳбатлашдик.

У кишининг айтишича, газеталар таъминоти бўйича шартнома тузилаётганда иккинчи ярим йиллик ҳақида умуман гап бўлмаган. У бир неча бор 1 январдан “Халқ сўзи”ни етказиб беришни талаб қилган, аммо масала ҳал этилмаган.

Бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Хайрулла Абдураҳмоновга берган саволларимиз очиқ қолди. Мазкур масалада унинг позицияси жуда ғалати эди. “Туманлардаги ташкилотларимиз мустақил, қарорни ўзлари қабул қилади, мен уларнинг ишига аралашмайман”, деб туриб олди.

Шунақа бўлса, у киши ўтирган лавозимни тугатиш керакдир балки?

...Музаффар Жамолиддинов билан суҳбат якунида маълум бўлдики, агар вилоят ҳокимлигидаги бир масъул ходим рози бўлсагина, вазият ўзгариши мумкин экан.

— Ўша масъул ходим уч кун аввал ишдан бўшатилгани ҳақида хабар бор, — дедик биз.

Кутилмаганда иш юритувчи бирдан енгил тортди ва дарҳол биз билан келишажагини билдирди.

Қандай яхши! “Ҳар бир ишнинг охири бахайр бўлсин”, деган бурунгилар.

Мазкур тортишувлар ҳам хайрли хотима топишига умид қиламиз, бироқ...

Минг афсуски, Наманганда бўлаётган воқеа бошқа ҳудудларга ҳам бирдай тааллуқли. Рости шуки, аксарият вилоятларда газета таъминоти масаласи айнан шундай аҳволда. Билмадик, балки “Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” фаолияти сустлиги туфайлидир.

Ижтимоий тармоқларда босма нашрлар ҳақида хилма-хил тортишувлар учрайди. Рости, бу мавзу ҳар замонда бир кўтарилиб туради ва баҳслар анча вақт давом этади. Охири ҳамма ўз фикрида қолади, айтарли ҳеч нарса ўзгармайди ва маълум муддат муҳокамалар тўхтайди. Қизиғи, газеталар яна бир муаммога дуч келганда ёки вазият очиқ гапирилганда яна қўзғалади. Ваҳоланки, жойларда газета-журналлар учун ўтказилган пулларга мутлақо бегона, соҳага алоқаси йўқ сохта тадбиркорлар эгалик қилаётгани, хоҳласа, обуна пулларини ўзлаштириб, йиллар давомида жавобгарликдан қутулиб қолаётгани хусусида аниқ бир тўхтамга келинмаётгани ҳам бор гап.

“Мана сизга баҳс учун янги мавзу!” деган экан бир донишманд...

**Абулқосим МАМАРАСУЛОВ,**
**Нурбек АБДУЛЛАЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Таҳририят почтасидан

# «ЧОДРА ҲОВЛИ» ТАЪМИРЛАНАДИ

***Газетамизнинг шу йил 25 февраль сонида Хоразм вилоятидаги махсус мухбиримиз Одилбек Одамбоевнинг “Кундан-кунга нураб бораётган тарихий обида” сарлавҳали мақоласи чоп этилганди. Унда муаллиф 1871 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон томонидан бунёд этилган “Чодра ҳовли” архитектура ёдгорлигининг аянчли аҳволи, уни қайта таъмирлаш зарурати ҳақида бонг урган.***

Хоразм вилояти ҳокимлиги мазкур мақолага ўз муносабатини билдирди. Таҳририятга йўлланган хатда маълум қилинишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан “Чодра ҳовли” архитектура ёдгорлиги вилоят Маданий мерос бошқармаси оператив бошқарувидаги давлат мулки сифатида қайд этилган ва 2020 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Президент қарори ижросини таъминлаш доирасида вилоят Маданият бошқармасига оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган.

Ҳозирги вақтда таъмирталаб ҳолатга келиб қолган ушбу маданий мерос объекти 2021 йилги Давлат дастурига киритилган бўлиб, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Хатда айтилишича, “Чодра ҳовли” архитектура ёдгорлигидаги таъмирлаш-тиклаш ишлари республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилган.

Таҳририят Хоразм вилояти ҳокимлигига мақолада кўтарилган муаммога тезкор эътибори учун миннатдорлик билдиради ва иншоотни таъмирлаш ишлари якунига етгач, бу мавзуга қайтиш ниятида эканлигини маълум қилади.

**«Халқ сўзи».**

Тошкент давлат техника университети жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси университетнинг Умумий физика кафедраси катта ўқитувчиси
**Асатулло ЭШҚУЛОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 26 533 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6